Ушбу сонда:
2 Курултойдан - қурултойгача. КАСАБА УЮШМАСИГА ХАТ КЕЛДИ
3 TV - ДАСТУРИ
4 Одамийлик ҳақида ўйлар. АҚЛ ЧИРОҒИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 7 апрел, жума №49 (881)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МИЛЛИЙ МАФКУРА - КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



***6 апрел куни Оқсарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди.***

***Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

Давлатимиз раҳбари бу йиғилишнинг асосий мақсади - жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири бўлган миллий мафкура хусусида атрофлича фикрлашиб, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ҳаётга жорий этиш йўлларини муҳокама қилишдан иборатлигини айтди.

Барчамизга аёнки, биз инсоният тарихида ўхшаши, андозаси бўлмаган мураккаб бир даврни бошимиздан кечиряпмиз. Яъни, нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки онгу тафаккуримизда ҳам янгиланиш, ўзгариш жараёнлари кечмоқда. Албатта, бу осонликча рўй бераётгани йўқ, деди Юртбошимиз. Бу йўлда эскича қарашлар, одамларимизнинг онгида эски замондан сақланиб келаётган мутелик ва қуллик асоратларини, турли зиддиятлар, баъзан очиқдан-очиқ душманлик кайфиятларини ҳам енгиб олға бораётганимизни ҳеч ким инкор этолмайди.

Миллий мустақиллик, озодлик йўли, эркин ҳаёт қуриш аслида мана шундай машаққатли бўлади. Бунга кўҳна тарихдан ҳам, яқин ўтмишимиздан ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин.

Бинобарин, Йўлбошчимиз таъкидлаганидек, мана шу ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос - бу миллий ғоя, миллий мафкура бўлиши шарт.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Миллий мафкуранинг ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрни шакллантириш мақсадида амалга оширилган ишлардан барча хабардор.

Шу боис ҳам Президентимиз миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига доимий эътибор қаратиб, ўз асарлари ва нутқларида бу масалага алоҳида урғу бериб келади. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари йиғилиш қатнашчиларига тарқатилган янги тўпламда жамланган.

Бу мавзуга бағишлаб олиб борилаётган тадқиқот ишлари, изланишлар, нашр этилаётган китоблар, олимлар, ёзувчилар, маданият намояндаларининг матбуот, радио-телевидениедаги чиқишлари, ўтказилаётган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам бу масаланинг нақадар кенг қамровли муаммо эканини тасдиқлайди, деди Ислом Каримов.

Албатта, олиб борилаётган ишларимиз, қарашларимиз барчаси бир хил савияда бўлмаса-да, уларнинг орасида жиддий ёндашувга асосланган, кишида фикр уйғотадиган изланишлар ҳам борлиги диққатга сазовор.

Мана шу чиқишларда билдирилаётган фикр ва қарашлар баъзан бир-бирига уйғун келмаслиги, айрим жойларда бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам табиийдир. Лекин шу ҳолат замирида ҳам, бу борада олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунида ҳам бугун халқимиз бошидан кечираётган ҳаёт учун бу масаланинг нечоғли долзарб эканини, унинг моҳиятини англашга катта қизиқиш ва интилиш мавжудлигини кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилигимизнинг маълум бир қисми ҳали-ҳануз бу жараёндан узоқ турганини ҳам инобатга олишимиз ва бундай ҳолатдан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарурлигини қайд этди.

Ислом Каримов бу борадаги фикрларини баён этиб, авваламбор, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши кераклигини таъкидлади. Зеро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида - яъни мустабид, тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида яшамоқдамиз. Бу ўтиш даврида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврдаги янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Йўлбошчимиз бундай мақсадларга аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосидагина етишиш мумкинлигини уқтирди.

Ўрта ва катта ёшли авлод эски тизим даврларини бошидан кечирган ва охирги ўн йил давомида қандай оғир йўлларни босиб ўтганимиздан хабардор. Учинчи масала шундаки, энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизида тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор, деди Президент.

Нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда ва бу курашда енгиш учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

Шундай вазиятда ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун катта хавфдир. Шу сабабли ҳам биз учун ўзимизга сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий ғоя, миллий мафкура керак.

Юртбошимизнинг фикрича, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, миллий ғоя олдига қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суянган тоғи - таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Ислом Каримов миллий мафкурамиз, биринчи навбатда, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбашарий, умуминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркорлигини айтди.

Еттинчи масала - миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги, ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан курашишига, баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки тазйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Лекин, шу билан бирга, миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона байроқ, ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда сўзга чиққан «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири, таниқли адабиётшунос О.Шарафиддинов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон файласуфлар жамияти раиси И.Раҳимов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А.Турсунов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ва бошқалар миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи мамлакатимиз истиқболи, келажагини белгилашда жуда муҳим омил эканлигини таъкидладилар. Бу борада таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, зиёлилар билан дин вакиллари ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш катта аҳамият касб этади.

Президент Ислом Каримов йиғилишни якунлар экан, бу борадаги муаммолар негизига етиб бориб, миллий мафкура концепциясини тайёрлаш билан бевосита шуғулланадиган гуруҳ тузиш таклифини билдирди.

Бу гуруҳ миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида ҳозиргача эълон қилинган тадқиқотлар, китоблар, матбуотдаги чиқишларни, йиғилишда баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириши, яхлит бир илмий концепция ҳолига келтириши керак.

Бу ишни кечиктирмай амалга ошириш даркор, деди Юртбошимиз. Чунки биз миллий мафкура концепцияси ҳақида кўпдан бери гапиряпмиз-у, лекин ҳалигача аниқ бир маҳсул йўқ. Энг муҳими, биринчи навбатда ўқув масканларида, олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган болаларимиз учун аниқ ва равшан, шу билан бирга, таъсирчан ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрлаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш бугунги кундаги энг долзарб масала деб биламан.

Ислом Каримов жамиятимизда фидойи, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлган зиёли одамлар кўплигига ишонч билдирди. Эндиги вазифа - уларнинг интилиш ва ташаббусларини бир нуқтага жамлаш, бир мақсад сари йўналтириш, шу асосда миллий мафкурамизни ривожлантириш ва халқимиз онгига сингдиришдан иборат.

**Беҳзод УСМОН, (ЎзА).**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ, (ЎзА) олган сурат**

*9 май - Хотира ва қадрлаш куни*

## НАВОИЙДА ХОТИРА МАЙДОНИ

9 май - Хотира ва қадрлаш куни арафасида Навоийда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Аждодлар ёдини абадийлаштириш мақсадида Навоий шаҳрида Хотира майдони қурилиши бошланди.

Шаҳарнинг Халқлар дўстлиги ва Низомий кўчалари туташган майдонда она сиймоси акс эттирилган ёдгорлик, шаҳидлар хотира мажмуи ва музей барпо этилади. 15 гектар майдонни эгаллаган Хотира майдони кўҳна Кармана билан Навоий шаҳрини бир-бирига туташтиради. Хотира боғига турли мевали ва манзарали дарахтлар ўтқазилади. Майдонни асосан ҳашар йўли билан бунёд этиш мўлжалланмоқда.

*Қурултой олдидан*

Иқтисодиётнинг нодавлат сектори хўжалик юритувчи субъектларнинг 80 фоизини ва иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг учдан икки қисмини қамраб олган ҳозирги шароитда касаба уюшмалари асосий эътиборни трипартизм тамойилини амалга оширишга, иш берувчи билан ёлланма ходимнинг ўзаро мажбуриятларига қаратдилар. Бу жамоа шартномалари мазмун моҳиятига томомила янгича ёндашувни тақозо этди. Уларда ҳам ишлаб чиқариш самарадорлиги масаласига, ҳам олинган даромадларни тақсимлаш, ҳавф-хатарсиз меҳнат шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор берилди.

бу ўта муҳим ҳужжатга муносабат ўзгараётган бўлсада, ҳали баъзи камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар борлиги яққол кўзга ташланади.

Жамоа шартномалари айниқса нодавлат секторида ниҳоятда кам тузилаётганлиги ташвиш уйғотмоқда. Масалан, давлат секторига мансуб юридик шахсларнинг 62 фоизида жамоа шартномалари тузилган бўлса, нодавлат секторида бу кўрсаткич атиги 16 фоизни ташкил қилади. Бу борада энг паст кўрсаткич савдо, матлубот кооперацияси, умумий овқатланиш, маданият, кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик тармоқларидадир. Шу боис нодавлат сектори ходимларининг ижтимоий - иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилишда касаба уюшмалари ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш масаласи Федерация Кенгаши Раёсатининг кенгайтирилган мажлисида атрофича муҳокама қилинди.

## ЁЛЛАНМА ХОДИМЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш асносида мулкдорлар синфини шакллантириш, бу жараёнга йирик корхоналарни жалб этиш зарурлигини уқтириб келмоқда. Хусусан, иккинчи чақириқ Олий Мажлис биринчи сессиясида у шундай деди: «Биз хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўпукладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдоримиз. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги бар-қарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади».

Хўш, иқтисодиётни бу тарзда жадал эркинлаштириш жараёнига касаба уюшмалари тайёрмидилар? Бахтга қарши "ҳа" деб баралла айтиш қийин. Боиси, қатор корхоналарда, айниқса савдо ва маиший хизмат соҳасида иш берувчи билан ёлланма ходим ўртасида меҳнат шартномалари умуман тузилмаган, касаба уюшма ташкилотлари барпо этилмаган. Боз устига уларда техника хавфсизлигининг энг оддий талабларига ҳам риоя қилинмаётир. Натижада ёлланма ходим иш берувчи олдида мутлақо ҳимоясиз бўлиб қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамоа шартномаси ёлланма ходимлар ҳуқуқ-манфаатларини амалга оширишнинг бирдан-бир механизмидир. Республика касаба уюшмаларида

Оғриқ нуқталардан бири нодавлат сектордаги қатор корхоналарда касаба уюшмалари ташкилотлари ҳанузгача йўқлигидир. Масалан, 1910 та фаолият кўрсатаётган қўшма корхоналарнинг 855 тасидагина бошланғич касаба уюшма ташкилотлари тузилган. Бунда айрим корхоналар раҳбарларининг энг оммавий ташкилот билан ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликлари ҳам салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Давр воқеа ҳодисаларни бамайлихотир кузатиб ўтирмасдан фаол ҳаракат қилишга даъват этаяпти. Юқоридаги долзарб масалалар Марказий Қўмиталар ва вилоят кенгашлари раёсатлари мажлисларида муҳокама этилганига қарамай нодавлат сектори ходимлари муаммолари билан кутилган даражада шуғулланилмаяпти. Демак, изланиш, ташаббускорликни кучайтириш энг асосий вазифалардандир.

Трипартизм тамойилини тармоқлар даражасида тўлақонли амалга ошириш мақсадида иш берувчилар уюшмасини барпо этишга кўмаклашиш зарур, токи улар республика миқёсида бирлашсинлар. Бу ходимларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилиш бўйича аниқ чоратадбирлар мажмуини киритишга имкон яратади.

*Маҳалланг отанг, онанг!*

## «НАВРЎЗ» ЧИРОҚЛАРИ

***«Наврўз» маҳалласи Ҳамза туманидаги энг йирик, аҳоли зич жойлашган ҳудудларидан. Бу ерда турли миллатга мансуб 14,5 минг аҳоли яшайди. Маҳалла ўрамида 53та кўп қаватли уй, 3та мактаб, 3та болалар боғчаси, «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти, нон корхонаси ва бошқа маданий-маиший муассасалар жойлашган.***

Маҳалла оқсоқоли Муҳаммаджон ака Ўспанов маҳалла ишини жонлантирган, катта-кичикнинг бошини қовуштирган меҳрибон инсон эди. У оламдан ўтгач, бу ердаги ишлар ўлда-жўлда бўлиб қолди. Шу боис маҳалла фаоллари маслаҳатлашиб, жамоат ишида суяги қотган, бир неча йил маҳалла қўмитасида котиба бўлиб ишлаган Гулчеҳра Жаъфаровани раисаликка сайлашди. Қисқа фурсатда ишлар юришиб кетди. Ҳозир қўмита қошида 10дан ортиқ комиссия фаолият кўрсатмоқда. Тўй-маърака ўтказиш, атроф-муҳитни соғломлаштириш кенгашлари, мактаб ва ёшлар билан ишлаш, «Нуроний» жамғармаси марказлари ана шулар жумласидандир. Бундан ташқари маҳалла 11та ўрамга бўлинган. Ҳар бир ўрам ўз бошлиғи-маслаҳатчиларига эга.

Шу кунларда маҳаллада иш қизғин. «Наврўз»ликлар ўз яшаш жойларини янада обод, саранжом-саришта қилиш учун астойдил бел боғлаганлар. Март ойида 8-ижара корхонаси билан ҳамкорликда хашар йўли билан шанбаликлар ўтказилди. Дов-дарахтлар тартибга келтирилди. Мана бугун оппоқ гулга бурканган дов-дарахтлар, ям-яшил ҳиёбонлар ўз кўрки-латофатини кўз-кўз қилмоқда.

Хотин-қизлар жамияти марказига Умржон Йўлдошева раисалик қиляпти. Марказ аъзолари ҳар бир ёш оила, ҳар бир бола саломатлигидан хабардор бўлишга ҳаракат қилишяпти. Улар ҳомиладор аёллар, ёш оналар, 3 ёшгача бўлган болалар рўйхатини тузишган. Улар туманда «Соғлом авлод йили»га бағишланган барча тадбирларда фаол қатнашиш билан бирга, маҳалла ҳудудида кўпгина ишларни амалга оширишяпти.

— Кам таъминланган фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳукуматимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан. Шунинг учун якка-ёлғиз фуқаролар, ёрдамга муҳтож оилалар, етим-есир болаларга меҳрибонлик қилиш қўмитамиз фаолларининг диққат марказида турибди, - дейди Г.Жаъфарова. - Уларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатмоқдамиз. Ёлғиз нафақахўрлардан беш нафари дўконларга бириктирилган. Улар 8 хил кундалик зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳар ойда бепул таъминланмоқда.

7-уйнинг 25-хонадонида яшовчи Маҳмуда Марахимованинг бошига оғир ташвиш тушди. Турмуш ўртоғи бевақт қазо қилди. У тўрт фарзандини бағрига босганча ташвишда қолди. Маҳалладошлари қараб туришмади. Бева аёлнинг кўнглини кўтаришди: Ҳозир Маҳалла қўмитаси томонидан унга ҳар ойда 2 минг 400 сўм нафақа, 3 минг сўмдан моддий ёрдам кўрсатилаяпти. Байрамлар, Болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ҳокимлик томонидан ажратилаётган озиқ-овқат, кийим-кечаклар ҳам биринчи навбатда шу оилага беріляпти. Арғамчига қил қувват деганларидек, маҳалладошлари кўрсатаётган меҳр-мурувват Маҳмуда опага катта мадад бўляпти.

Лидия Алексеевна Дронова, Акром Шариповлар қариганларида ёлғиз қолишди. Маҳалла фаоллари уларнинг ҳолидан тез-тез хабар олиб туришибди. Кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган 8 хил озиқ-овқат маҳсулотини уларнинг уйларига элтиб беришяпти.

Маҳалладошлар орасида ҳимматли, саҳоватли одамлар кўп. Аҳад Ғаниев, Баҳодир Ғаффоров, Хожиакбар Раҳимжонов шулар жумласидандир.

Кам таъминланган оилаларга туман ҳокимлиги томонидан ҳам ёрдам кўрсатиляпти. Масалан, янги йил арафасида Президент арчасига бориш учун 25та йўлланма мазкур маҳаллага берилди.

Шу кунларда «Наврўз»ликлар ўз маҳаллаларини янада обод қилиш иштиёқи билан яшашмоқда. «Соғлом авлод йили»да бу ерда катта ўзгаришлар бўлади. Маҳалла аҳли ўз фарзандлари учун ўйингоҳ барпо этиб, болалар футбол командасини тузиш, соғломлаштириш сув ҳавзаси, маҳалла гузари қуришни режалаштиришган. Бу ерда «Уста - шогирд», пазандачилик, тикувчлик тўгараклари ташкил этиш, сартарошхона очиш мўлжалланяпти.

Оқшом чўкди, бепоён осмон қўйнида митти юлдузлар милтирайди. Ҳар бир хонадонда баҳорий илиқлик, кўклам тароватi ҳукмрон. Маҳалла идораси ҳамон одамлар билан гавжум. Чироқлар алламаҳалгача ўчмайди. Чунки бу ерда одамлар қалбига йўл топган, элим деб, юртим деб яшовчи фидойи инсонлар бор.

**М.МИРЗАМУХАМЕДОВА.**

*Қурултойдан-қурултойгача*

# КАСАБА УЮШМАСИГА ХАТ КЕЛДИ

***Сарҳисоб- ҳар галгидек касаба уюшмалари учун режадаги ишларнинг қай даражада амалга оширилгани, фаолият давомидаги ютуқ ва камчиликларни тарозига солиб, улардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда келгуси вазифаларни белгилаб олиш имконини беради. Биз ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига фуқаролардан келиб тушган шикоят ва аризалар ечимига таҳлилий назар ташлаймиз:***

1995-99 йиллар давомида фуқаролардан тушган аризаларнинг аксарият қисмини ходимнинг ишдан ноқонуний бўшатилиши, вазифасини бажариш давомида шикастланиши оқибатида товон тўланиши ва ниҳоят иш ҳақининг вақтида тўланмаслигига оид масалалар ташкил қилади. Аризалар асосан агросаноат, ёқилғи-энергетика мажмуи, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, қурилиш, давлат муассасалари ва маданият соҳаси ходимларидан келиб тушган.

Жумладан, «Бухоротекс» АЖ ходими О. Бебутова эри вазифасини бажараётган вақтда содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли меҳнатга лаёқатини йўқотганлигини исботлашда ёрдам кўрсатишни сўраб КУФК га мурожаат қилган. Маълум бўлишича фабрика раҳбарлари ишчининг адолатли талабини қондиришга беписанд қарашган. Улар фаолиятига муносиб баҳо берилди. Жабрланувчининг саломатлигини йўқотиши билан боғлиқ бўлган товон пули ундириб берилди.

Олмаликдаги «Ўзфуқаросаноатқурилиш» корпорациясининг бир гуруҳ ходимлари ойлик маошларини ўз вақтида ололмаётганликлари тўғрисидаги мурожаатлари ҳам Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари Марказий қўмитаси томонидан ижобий ҳал этилди.

«ЎзБАТ» АЖ қўшма корхонасининг меҳнат жамоаси асосли ҳужжатлари бўлишига қарамай давлат пакетидан ўзларига тегишли акцияларни 1994 йилдан буён ололмаётганликлари хусусида мурожаат қилишганди. КУФК ижтимоий-иқтисодий ҳимоя бўлими томонидан бу масала ҳам ижобий ечимини топди — акциялар уларга номинал нархда тарқатилди.

КУФК котибияти томонидан фуқароларнинг ёзма, оғзаки ариза ва шикоятлари ечими ҳар йил якунида кенг таҳлил қилиниб, Раёсат йиғилиши муҳокамасига қўйилади.

1996 йил 15 мартда КУФКнинг йиғилишида «Фуқароларнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига мурожаатлари бўйича ишлаш тартиби тўғрисида»ги ҳужжат қабул қилинган ва бу борадаги барча ишлар ушбу ҳужжат асосида изчил олиб борилияпти.

Юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин шу билан биргаликда бу борадаги камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Баъзи ҳолларда айрим касаба уюшма ташкилотлари шикоятларга юзаки ёндашиш, уларни кўриб чиқиш муддатини чўзиб юбориш ҳоллари ҳам учраб туради.

Табиийки, шу сингари камчилик-нуқсонлар, ечимини кутаётган муаммолар хусусида қурултойда атрофлича гап боради.

**Дилором АЛЛАҚУЛОВА,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ногиронлар ижтимоий ҳимояси*

# ЭНГ КАТТА САВОБ

***Бу фоний дунёда қувонч ва ташвиш ёнма-ён юрар экан. Яқиндагина невара тўйини ўтказган дўстим бахтсиз фалокатган учрабди. Икки машина тўқнашуви туфайли оёқ-қўли қаттиқ шикастланибди. Ўша куни уни Ўзбекистон республикаси миллий реабилитация марказининг жарроҳлик бўлимига жойлаштиришибди. Бу ҳодисани эшитган заҳотиёқ марказга йўл олдим. Дўстим билан хонада суҳбатлашиб ўтирибмиз.***

— Шукроналар бўлсинким, шундай меҳри дарё шифокорлар бор экан, - дейди қувонч билан Усмонжон. Бу ерда даволанаётганларга ширинсуҳан шифокорлар доимо парвона бўлишаётир. Зеро, уларнинг тўғри муолажалари туфайли икки ҳафтадаёқ қўлтиқ таёқсиз юришга ҳаракат қилаяпман.

Физиотерапия ва даволаш бўлими бошлиғи билан учрашиб, ундан бу ердаги шароитлар, беморларни қай йўсинда даволашлари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик.

— Марказимизда республикамизнинг турли минтақаларидан келган ногиронлар даволанадилар, - деди бўлим мудири Ҳалима Жамолова. Бурчимиз улар ҳасталикларига тўғри ташхис қўйиб, муолажа белгилаб, жўшқин меҳнатга қайтаришдир. Қувонарли томони шундаки, ресупубликамиз ҳукумати ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида аҳамият бераётир. Шу нуқтаи назардан махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра пойтахт шаҳри, Қорақалпоғистон республикаси ва деярли барча вилоятларда марказнинг махсус бўлимлари фаол иш олиб бораётир.

Таъкидлаш кераккки, марказимиз раҳбари Жамолиддин Нажмиддинов хорижий мамлакатларда амалга оширилаётган ибратли ишлар, муҳим янгиликларни ўзимизда татбиқ қилишга барча ходимларни жалб этиб, ўзлари намуна кўрсатадилар. Зарур замонавий асбоб-ускуналар келтирилишига эътибор берадилар. Масалан, кресло кушетка, комьютерлар, тана тортиш аппаратлари шулар жумласига киради. Булар ногиронлар саломатликларини тиклашда жуда қўл келаяпти.

Физиотерапия хоналарида шунингдек, ультратовуш, электрофорез, лазер билан даволаш аппаратлари бор. Физкультура билан даволаш хонасида замонавий тренажёрлар ва керакли асбоб анжомлар мавжуд.

Бўлимда шифокорлар-Муҳаррам Жалолова, Умида Утемуродова, Ҳилола Абдуллаева фаол меҳнат қилишаётир. Уларга Феруза Исмоилова, Турсуной Зоҳидова, Зуҳра Имомбоева сингари ҳамширалар ёрдам беришмоқда. Ногиронлар айниқса уқалаш ходисини олган Олья Кочеровская, Таня Ким ва Хонима Марҳабоевалар хизматидан мамнун бўлишаётир. Махсус курсларни битириб, бу ерда ишлаётган бу жонкуярлар оёқ-қўллари яхши ишламайдиган, бел, бўйинларида туз йиғилиб қолган беморларни моҳирлик билан муолажа қилаётирлар.

Ҳалима опа билан суҳбатимиз якунлангач, беморлар учун келтирилган замонавий асбоб ускуналар ва яратилган шароитларни кўриб, «савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилмоқ керак» деган сўзлар ёдимизга тушди. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси миллий реабилитация марказидаги ички касалликлар ва жарроҳлик бўлимларида фаолият юритаётган барча илмий ходимлар, шифокорлар, ҳамширалар савоб ишларни амалга оширишаяпти.

**Ф.ИСАЕВ,**
**Д. ХУДОЙБЕРГАНОВА.**

## БЕНТОЛИТ КОНИ ТОПИЛДИ

Навоий вилояти ҳудудида Менделеев жадвалидаги деярли барча бойликлар мавжуд. Олтин, кумуш, вольфрам каби қимматбаҳо ер ости бойликлари қаторидан яна бир бойлик - бентолит гили ҳам ўрин олди. Навбаҳор туманининг Қоратов этакларида юқори сифатли ушбу хомашё мўл экан. 7 миллион тоннадан ортиқ заҳирали «Навбаҳор» бентолит гили кони давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бентолит гили халқ хўжалигининг 100 дан ортиқ соҳасида ишлатилади. У шу кунгача республикамизга хориждан олиб келинаётган бир неча кимёвий бирикма ўрнини боса олади. Шу билан бирга, валюта ҳаражатларини қисқартириш ва экспорт салоҳиятини янада ошириш имконини беради.

*Ўз ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик*

# НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ

## *у қаерда ва ким томонидан берилияпти?*

***Мулкчилик шаклидан қатъи назар, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя қилиш бир томондан ишлаб чиқариш самарадорлиги юксалишига имкон яратса, иккинчи томондан, қонун устуворлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.***

Хўш, бу борада корхона ва ташкилот раҳбарлари қандай йўл тутмоқдалар? Меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан қонунда кўрсатилган интизомий жазо чоралари тўғри қўлланилмоқдами? Ушбу саволга жавоб топиш мақсадида туман ҳудудидаги корхоналар маъмуриятлари томонидан 1999 йилда қабул қилинган буйруқлар қанчалик қонун талаблари даражасида ҳужжатлаштирилганлиги атрофлича ўрганиб чиқилди.

Маълум бўлдики, айрим маъмуриятлар, қолаверса ходимлар билан ишлаш бўлимлари бошлиқлари ва ҳуқуқий маслаҳатчилар меҳнат тўғрисидаги қонунларни тўғри талқин қилмасликлари натижасида ножоиз буйруқлар қабул қилинишига йўл қўйилган. Бу билан фуқароларнинг Конституцион ҳуқуқлари камситилган. Ўрганиб чиқилган 124 та корхона маъмуриятларининг 54 таси ёки 43,5 фоизида меҳнат қонунларига хилоф равишда буйруқлар қабул қилиниб, қонун талаблари бузилганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодексининг 181-моддасига кўра ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи томонидан хайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш мумкинлиги айтилади. Шунингдек, ички меҳнат тартиб-қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳам назарда тутилади. Корхоналар маъмуриятлари томонидан ходимларни меҳнат интизомини бузганликлари учун касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олмасдан ишдан бўшатиш (Меҳнат қонунлари кодексининг 101-моддаси), уларга «қаттиқ хайфсан», «огоҳлантириш», «қаттиқ огоҳлантириш» эълон қилиш, 3 ой ва ундан ортиқ муддатга лавозимидан паст ишга кўчириш, ойлик ва йиллик иш ҳақи тизимига кирмайдиган мукофот пулларидан 5 фоиздан 100 фоизгача маҳрум қилиш интизомий жазо чоралари қўлланиши эса ходимларнинг Конституцион ҳуқуқларини писанд қилмасликдан бошқа нарса эмас.

Афсуски, кўплаб корхона ва ташкилотларда тез-тез ана шундай камчиликларга йўл қўйилмоқда. Мана бир мисол. Бухоро автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш бошқармаси маъмуриятининг 1999 йилда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш юзасидан барча буйруқлари ўрганиб чиқилганида, уларнинг 49 таси ёки 28 фоизи қонунга хилоф равишда қабул қилинганлиги аниқланди. Қарангки, ҳеч ким билан ҳисоблашишни ўзига эп кўрмай интизомий жазо чоралари сифатида ходимларга бериладиган ҳар ойлик пулларининг 5 фоизидан 100 фоизигача чегириб қолинган. Прокуратура аралашувидан сўнг адолат қарор топди. Бошқарма бошлиғи А.Абдуллаев ва кадрлар бўлими бошлиғи Ф.Норбековалар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасига биноан маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Текшириш натижаларида «Бухоройўлгранит» ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонаси, йўл-кўприк ва Ф.Хўжаев тумани йўллардан фойдаланиш бошқармаларида ҳам худди шундай камчиликларга йўл қўйиб келинганлиги маълум бўлди.

Касаба уюшмалари — меҳнаткашлар ҳимоячиси. Лекин бунга ҳамма жойда ҳам тўла риоя этиляпти деб бўлмайди. Бир оғиз касабақўм билан маслаҳатлашмаганлар ва ўзбошимчалик билан Бухоро пахта тозалаш заводи жамияти маъмурияти созловчи Зиёдулло Ниёзовни, вилоят ижтимоий-таъминот бошқармасига қарашли аёллар Мурувват уйи маъмурияти омбор мудири Т.Жўраевни, пархез ҳамшираси В.Саидовани, ошпаз А.Шеровни, «20 трест» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти КМК бошлиғи М.Маҳмудовни, Бухоро таъмир «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти корхона ходими Ҳотам Наимовни эгаллаб турган вазифаларидан бўшатиб, Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари кодексининг 101-моддасига хилоф иш тутганлар.

Шаҳар ихтисослаштирилган «Замин» давлат акционерлик Ипотека банки Бухоро филиали маъмурияти қўллаган интизомий жазо чораси ҳам ўзига хос. Ҳар қалай ҳисобот бўлимининг вақтинчалик кечки касса бухгалтер назоратчиси Ж.Ахадовни шунга ўхшаш айб билан умумий бўлим хат ташувчиси лавозимига кўчирилганлиги қонун талабларига зид бўлиб, бу — ё ҳуқуқий маслаҳатчиларнинг лоқайдлиги ёки саводсизлигини кўрсатади.

Худди шундай ҳол вилоят иқтисодий ночор корхоналар бошқармаси маъмурияти томонидан ҳам содир этилган. Яъни меҳнат интизоми ва ички тартиб-қоидаларини бузган бош мутахассис Р.Муродов, бўлим бошлиғи Б.Ражабов, бош мутахассис Б.Норов ва етакчи мутахассис Е.Каримовларнинг мукофот пулларидан 20 фоиздан 100 фоизгача чегириб қолинган.

Шунингдек, Бухоро вилоят насос станциялари бошқармаси маъмуриятининг 1999 йил 7 сентябр кунидаги 83 сонли буйруғига биноан корхона ходимларидан Б.Бахромов, И.Хусенов, Ш.Наврузовлар интизомий жазо чораси сифатида ойлик мукофот пулларидан маҳрум қилинганлар, шу корхона ходимлари Г.Гадоев ва Н.Назаровларга «огоҳлантириш» эълон қилинган. Маъмуриятнинг 1999 йил 5 сентябр кунидаги 75-К сонли буйруғига биноан насос станциялари бошқарма бошлиғининг ўринбосари А.Очилов интизомий жазо чораси сифатида ўз вазифасидан четлаштирилган.

Бугина эмас. Вилоят Давлат электр алоқаси ишлаб чиқариш корхонаси маъмуриятининг буйруғига биноан профилактика ишларини бажармаганликлари учун интизомий жазо чораси сифатида электромонтерлар Х.Шарипов, Х.Деҳқонов, Н.Анейчук ва Б.Хамидовларнинг мукофот пуллари 20 фоизга камайтирилган. Бухоро Давлат Университети ҳузуридаги ихтисослаштирилган лицей маъмуриятининг буйруғига биноан эса меҳнат интизомини бузган ходимларга «огоҳлантириш» эълон қилиниб, чоракда бериладиган мукофот пулларидан маҳрум қилинган.

Кези келганда «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти томонидан ушбу йўналишда чиқарилган буйруқлар ҳам меҳнат қонунларига зид ҳолда қабул қилиниб келинганлигини таъкидлаш лозим. Маъмурият томонидан 1999 йилдаги 118 та ишлаб чиқаришга оид буйруқлари ўрганиб чиқилганида уларнинг 15,2 фоизи меҳнат қонунларига хилоф равишда қабул қилинганлиги аниқланган. Табиийки, айбдор корхоналар раҳбарлари тегишли маъмурий жавобгарликка тортилиб, қонунга хилоф равишда қабул қилинган буйруқларга протест киритилди.

«Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши — энг кам иш ҳақининг икки бароборидан беш бароборигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади» - деб кўрсатилади Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 49-моддасида. Зеро, давлат ва нодавлат корхоналари, ҳиссадорлик жамиятлари маъмуриятлари томонидан меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган буйруқлар қабул қилинишида қонунийликка аҳамият бериш давр талаби эканлигини бир дақиқа бўлсин унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Ф.МАҲМУДОВ,**
**Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси.**

# МЕҲНАТ АРДОҚЛАГАН КИШИЛАР





Ҳар бир инсон не-не орзу-ниятлар билан яшайди. Ҳалол меҳнат туфайли обрў-эътибор қозонсам, яхши тўйлар қилсам дея ният қилади. «Узкейссервис» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг Фарғона вилоят бўлими инженери Мунавваржон Усмонов (чапда) техникага ихлос қўйиб бахт топган кишилардан. У кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Ўнгдаги суратда эса моҳир тракторчи Аҳмаджон Акбаровни кўриб турибсиз.

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## ФРАНЦУЗЛАРНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан маданий алоқалари тобора кенгайиб бормоқда. Франциянинг Самарқанд билан биродарлашган Лион шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада ўзбекистонликларнинг қатнашгани бунинг далилидир.

20дан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу кўргазмада самарқандлик қўли гул усталар, санъаткорлар халқ амалий санъати, бадиий ҳунармандчилик намуналари ва санъатлари билан қатнашдилар.

— Халқаро кўргазмада турли миллат вакиллари бир-биримизни таржимонсиз ҳам тушуниб турдик. Мазали ўзбек паловини татиб кўриш учун оқиб келаётган меҳмонларни кузатиш ғоят мароқли эди, - деди «Тиллакор» дастаси директори ўринбосари Рауф Ғаниев. - Лион шаҳри кўчаларида «Регистон» меъморий мажмуаси тасвири туширилган улкан осма-лавҳани кўрганимизда қалбимизда она-шаҳримиз, гўзал юртимизга нисбатан беқиёс фахр туйғуларини туйдик. Шарқ куйлари янграган байрам концертида хиром айлаётган раққосаларимиз барчага завқ улашишди.

**«Туркистон-пресс»**

## ТАЖРИБАЛАР ЎРТОҚЛАШИЛДИ

Қарши. Қашқадарё вилояти таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасининг кенгайтирилган Раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда, ёш олимлар ва иқтидорли талаба-ёшлар, кадрлар билан ишлаш, меҳнат хавфсизлиги, спорт ишлари тўғрисидаги масалалар атрофлича муҳокама этилди.

Раёсатда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси, фалсафа фанлари доктори, профессор Тошпўлат Тошлонов Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши сессиясида қилган маърузасида жамоат ташкилотлари олдига қўйилган вазифалар хусусида, касаба аъзолари маънавиятини юксалтириш, уларни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш ҳақида гапирди. Шунингдек, йиғилишда Марказий қўмитанинг меҳнат бош назоратчиси Эшназар Ғойибназаров қуйи ташкилотлар олдида турган долзарб масалалар ҳақида фикр билдирди.

**М.ҒАФУРОВ.**

*Муаммо кўндаланг қўйилади.*

# НЕГА ХОМУШСАН, ДЎСТИМ?

## *«Сирдарёгаз» вилоят бирлашмасида маош ойлаб кечикмоқда*

***Вилоятдаги йирик ташкилотдан қут-барака кўтарилди. Мутахассислар, тажрибали ишчилар буни сабоқлардан тўғри хулоса чиқарилмаганликнинг оқибатидир, дейишмоқда. Гап шундаки, бундан икки йил илгари бирлашмада катта миқдордаги суиистеъмолчиликлар аниқланиб айбдорлар муносиб жазоланганди. Йирик жамоага янги раҳбар этиб тайинланган Ғайбулла Ҳабибов дастлаб ўзини аямай меҳнат қилди. У иқтисодиётни юксалтириш, ишчилардаги тушкун кайфиятни йўқотиш, ички имкониятларни ишга солишга қаратилган тадбирларни амалга оширишда қатъиятлик, ташкилотчилик кўрсатди. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Хусусан, аёлларнинг туғилган кунлари муносабати билан уларнинг ҳар бирига уч минг сўмдан мукофот пули ажратиш, янги турмуш қураётган ёшларни икки ойлик маош билан сийлаш, пенсия ёшига етган кишиларга энг кам иш ҳақининг ўн бароварин миқдорида моддий мадад кўрсатиш йўлга қўйилганлиги ишчанлик муҳитини шакллантиришда муҳим омил бўлди.***

Бироқ маъмурият иқтисодиётни юксалтириш, қарздорликни бартараф этиш борасида ожизлик қилаётганини сезилиб қолди. Аниқроғи ҳал қилувчи дамларда билим, қатъиятлилик, ташкилотчилик етишмади. Оқибат натижада дебиторлик қарзи ойма-ой кўпайиб борди. Бугунга келиб бу рақам 859 миллион 406 минг сўмга етди. Ҳаммасидан ҳам асосий истеъмолчи - аҳолидан газ ҳақларини ундириб олишда жиддий камчиликларга йўл қўйилди. Туман идораларидаги лоқайдлик, ўзибўларчилик бирлашмани боши берк кўчага киритиб қўйди. Айни чоғда Гулистон, Янгиер шаҳарлари, Боёвут, Сирдарё, Сайхунобод туман газ тармоқлари идоралари гарданида миллион-миллион ундирилмаган пуллар осилиб турибди.

Боз устига бу ерда тежамкорликка риоя этилмаётир. Бир мисол. Ўтган йили бирлашма бўйича 30 миллион куб метр газ йўқотилиши режалаштирилганди. Амалда эса бу кўрсаткич 75 миллион куб метр газни ташкил этди. Ҳавога совурилган бойликни пулга чаққанда оз эмас, кўп эмас нақд 63 миллион сўм дегани экан. Бу маблағ бирлашма ишчи-хизматчиларини беш ойлик иш ҳақи билан таъминлашга етарди. Ваҳоланки, ишчи-хизматчилар уч ярим ойдан буён маош кутишмоқда...

Бирлашма раҳбарининг иқтисодий масалалар бўйича муовини Нурилло Исоқжонов билан суҳбатда бўлдик. У қуйидагича изоҳ берди:

- «Ўзтрансгаз» дан 400 миллион сўм атрофида қарздормиз. Шу боис ҳисоб рақимимизга келиб тушган пул маблағлари шу ташкилотга ўтказилаяпти. Сўнгги ойларда ҳисобимиздаги 22 миллион сўмнинг 16 миллионини қарзга тўладик. Шу боис қаддимизни тиклаш қийин бўлаяпти. Кимларнингдир бозор шароитида ишлашга тайёр эмаслиги, касб маҳоратининг етишмаслиги, изланиш, ташаббускорликнинг йўқлиги қимматга тушди. Шубҳасиз буларга ўзим ҳам дахлдорман.

Бирлашмада 1136 киши меҳнат қилади. Табиийки, ишловчиларнинг кайфияти яхши мас. Ахир ойлаб маош олмагандан кейин муаммо устига муаммо туғилаверади-да. Ким билан фикрлашмайлик зарарли шароитда фаолият юритаётганлар учун сут, қатиқ ажратилмаётганлигини таъкидлашди. Бўлмаса бирлашманинг каттагина ёрдамчи хўжалиги бор. Маълум бўлишича у ерда ҳам иш орқага кетибди. Зарар устига зарар кўрилаётгани боис маъмурият ёрдамчи хўжаликни ёпиш тараддудида экан. Аъзамжон акадан бизни у ёққа олиб боришни илтимос қилдик. Бунинг сабаби шуки, бир неча йил аввал мазкур ёрдамчи хўжаликда юзлаб ажойиб бушуев зотли наслдор моллар, қўй-эчкилар парваришланарди. Хўжасизлик, муҳим ишга панжа орасидан қараш панд берди. Озуқа етиштиришга эътибор сусайтириб юборилгани натижасида қишлов катта чиқим билан кечди. Кўплаб жониворлар бой берилди. Энди бор-йўғи 16 бош қорамол, 7 бош буқа, 10та бузоқ, 14 бош қўй-эчки қолганлигини кўриб ғоят ажабландик. Озуқадан қийналаяпмиз, - деган баҳонага сира қўшилиб бўлмайди. Негаки ана шу мақсад учун ажратилган 30 гектар ер бекор ётибди. Бу ерлар тадбиркор, заминни эъзозлай биладиган киши қўлига топширилганда эди, уни яшнатиб юборарди.

Шу ўринда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: «Раҳбар одам бошқаларга нисбатан узоқни кўриши керак. У фақат бугунни, балки эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажакнинг ташвиши билан яшаши зарур».

«Сирдарёгаз» вилоят бирлашмаси раҳбару мутахассислари сабоқлардан тўғри хулоса чиқариб иқтисодиётни юксалтириш, ойлик маошларинng мунтазам берилишини таъминлаш, қулай иш шароитлари яратишга қаратилган аниқ тадбирларни изчил амалга оширишлари лозим. Иш ўрнига баҳона ахтарилса, «узрли» сабаблар рўкач қилинаверса бирлашманинг боши қарздан чиқмай қолаверади.

**Нурилло ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

